



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТЕХНИКА ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ФАКУЛТЕТИ
“КАСБИЙ ТАЪЛИМ” КАФЕДРАСИ
“КАСБ ТАЪЛИМИ МЕТОДИКАСИ” ФАНИДАН**

*Касб-хунар коллежларида методик ишларини олиб боришнинг
хусусиятлари.*

МАВЗУСИДАГИ

КУРС ИШИ

**БАЖАРДИ: 5111000 - Касб таълими:
кимёвий технология таълим йўналиши
3-курс талабаси
Бекмуродов Б.
ҚАБУЛ ҚИЛДИ:**



ТЕРМИЗ–2014

Касб-хунар коллежларида методик ишларини олиб боришнинг хусусиятлари.

Режа:

Кириш.

Асосий қисм.

**1-§. Ўқувчилар қобилиятини аниқлашнинг педагогик- психологик
асослари.**

**2-§. Ўқувчилар ижодкорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва умумий
назарий масалалари.**

3-§. Касб-хунар таълимида ўқитишга ижодий ёндошиш.

**4-§. Ўқувчилар ижодкорлигининг ривожланиш йўналишлари
ва асосий босқичлари.**

5-§. Ўқувчининг техник ижодкорлик қобилияти.

6-§. Билиш жараёнлари ва касбий таълим самарадорлиги

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Албатта, секин-асталик билан бўлсада, таълим жараёнига қатор янги педагогик технологиялар татбиқ этилмоқда. Бироқ, бу борада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча муҳим муаммолар борки, улар педагогик олимларимизнинг зиммасига улкан масъулиятлар юклайди.

Ҳозирда ўқитувчиларнинг юқори касбий тайёргарликка, педагогик маҳоратга, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, мафкура борасида чуқур билимларга эга бўлиши, таълим-тарбия ишларида замонавий педагогик технологиялар, усуллардан самарали фойдаланиши давр талаби ҳисобланади. Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, билимли, юксак маънавиятли, баркамол, ватанпарвар шахслар бўлиб етишишини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг энг асосий бўғини сифатида педагог ходимларнинг юқори илмий, методик билимларга ҳамда амалий ишлаш бўйича юксак маҳоратга эга бўлишларини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги конун ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш кўп босқичли ўқув тизимида ўтиш, малакали бакалаврлар тайёрлаш олий ва ўрта таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига улкан масъулиятли вазифаларни юклайди.

Курс ишимизнинг долзарблиги шундаки, таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш ҳамда ихтисослик фанларини ўқитишнинг мақсад ва мазмунини белгилаб олишни назарда тутди.

курс иши кириш, олти қисмдан, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

Курс ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, иш объекти ва предмети, ишнинг методлари ҳамда ишдаги

янгиликлар ёритилган.

Мавзунинг биринчи бандида ўқувчилар қобилиятини аниқлашнинг педагогик- психалогик асослари ёритилган, иккинчи бандида ўқувчилар ижодкорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва умумий назарий масалалари ёритилган, учунчи бандида касб-хунар таълимида ўқитишга ижодий ёндошиш усуллари ишлаб чиқилган, тўртинчи бандида ўқувчилар ижодкорлигининг ривожланиш йўналишлари ва асосий босқичлари таҳлили берилган, бешинчи бандида ўқувчининг техник ижодкорлик қобилияти, олтинчи бандида эса билиш жараёнлари ва касбий таълим самарадорлиги ёритиб берилган.

Янги техника ва технологияларни ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қобилятли, қабул қилинаётган қарорларга онгли муносабатда бўладиган ва жавобгарлик ҳиссини сеза оладиган ижодий фаол, малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлашлаш муоммосининг долзарблиги курс ишимиз мавзусини “ **Касбий методик малакаларни шакллантириш технологияси**” деб номлашга асос бўлди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб курс ишимизнинг қуйидаги мақсад ва вазифаларини белгилаб олдик:

Курс ишимизнинг мақсади. Ўқувчиларни касбий таълим соҳасига оид баҳс ва мунозаралар ўтказиш бўйича ижодкорлик фаолияти сифатларини шакллантиришдан иборат.

Курс ишининг вазифалари:

1. Мавзуга доир ўқув адабиётларни тўплаш, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
2. Касб хунар таълими тизимида ўқувчиларнинг техник ижодкорлик фаолиятига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш;
2. Умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларни техник ижодкорлик фаолиятига самарали тайёрлашга имкон берувчи дидактик воситаларни аниқлаш ва қўллаш;

1-§. Ўқувчилар қобилиятини аниқлашнинг педагогик-психологик асослари.

Ўқувчи шахсини билиш таълимда самарали натижаларга олиб келади. Бу борада олиб борилаётган назарий ва амалий ишларни давр талаблари даражасида деб бўлмайди. Бу эса ўқувчи шахсини камол топтириш тадбирлар самарасига маълум даражада таъсир кўрсатади. Демак, энг аввало ўқувчининг қизиқиш майлларини жуда яхши билиш керак.

Ўқувчи шахси йўналиши унинг эҳтиёжларини қизиқишлари иштиёқи идеалини ташкил этади. Ўз навбатида бу хусусиятлар ўқувчининг борлиққа ижтимоий ҳаёт воқеаларига, жамиятга, жамоага, бошқа шахсларга ва ўз-ўзига муносабатларини англатади. Тарбиявий тадбирларнинг самарали бўлиши учун ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг мақсади, қизиқиш кўлами касб танлашга, меҳнатга ва ўзини ривожлантиришга муносабати ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши зарур. Табиийки, ўқувчининг барча қизиқишлари билиш фаолияти билан боғлиқ. Унинг билиш жараёнида диққат, сезги, идрок, хаёл, тафаккур ва бошқалар иштирок этади. Демак, ўқитувчи психологик билим ва тажрибага эга бўлмаса, ўқувчи шахси руҳиятдаги имкониялари ва ўзлаштиришлари ўз вақтида пайқалмайди, уларни таҳлил қилиш асосида ривожлантириш борасида тўғри усул танлай олмайди.

Бундан ташқари ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг руҳий-жисмоний имкониятини, оилавий муҳити ва ундаги тарбиянинг ўзига хослигини, ўқувчи шахсини бирор соҳага йўналтириш борасида олиб борилаётган тадбирларга ҳам жиддий эътибор бермоғи лозим. Психологик тадқиқотларга ўқувчилик даври қизиқишлари ривожланиб ва мураккаблашиб боради. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, бу давр қизиқишларда жинс ҳам аҳамиятга эга. Ўғил болалар асосан физика, математика ва техника соҳаларига кўпроқ қизиқишса, қизлар эса кўпроқ табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишга моилдирлар.

Ўқитувчининг йўналтирувчи фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчининг бу фаолияти туфайли ўқувчиларда билиш ҳаваслари таркиб топа боради. Агар ўқитувчи бу пайтда уларнинг қизиқишларини онгли равишда сифатларга айлантириб бормаса, янглишсалар, у ёки бу соҳани ўзлари учун идиал ҳисоблар кўп қиррали билиш имкониятларини чегаралаб қўядилар. Ўқувчининг индивидуал қизиқишини тўғри ўрганиш ва уларнинг бақрқарорлигига тўла ишонч ҳосил қилиш жуда муҳимдир. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчилар қизиқишининг аввалги мазмуни, ҳозирги даражаси ва келгусидаги ривожланиш даражасини тасаввур эта олиши даркор.

Шу боис ўқитувчи ўқувчи қизиқишини унинг бошқа индивудал-психалогик сифатлари: қобилият, истейдод, темперамент ва характер билан боғлиқ ҳолда ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчининг фан соҳаларига қизиқишини аниқлашнинг педагогик аҳамияти жуда катта. Ўқитувчи ҳар ўқувчининг ёши, тажрибаси, итилувчанлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қизиқиши моҳиятини тушунтирса, ўқувчи ўзининг истак ва хоҳишларини ўқитувчига очиқ-ойдин айтади, уни ўзининг сирдоши ва йўл бошчиси сифатида қадирлайди.

Биз ўқувчиларнинг ўз ҳаётида қандай мақсадларга эришишни зарур деб ҳисоблашини тегишли соҳага қизиқишлари кўлами, касб танлашига, ақлий меҳнат ва ўз-ўзини тарбияташга муносабатини ўргандик.

Ўқувчиларнинг қайси касбга кўпроқ қизиқишларини аниқлаш учун махсус саволлар туздик. Бу саволлар мазмуни ўқувчиларга лингвистик, математик, кўриш, кнетик, табиатсеварлилик, мусуқавийлик, суҳбатдошлик ва хаёлпараслик қобилияларини аниқлашга йўналтирилди. Биз қизиқиш асосида юқоридаги қобилият турларининг ўқувчиларда шаклланишини аниқлаш учун уларни саволларнинг мазмуни билан тўла таништирдик.

Шундан сўнг, психалогик адабиётларди мавжуд бўлган Айзенк тести орқали ўқувчи қобилиятини аниқладик.

Тестни тўғри қўллаш учун қуйдаги шартларга қатий амал қилинди:

1. Ажратилган вақт бирлигига (80 та савол учун 40 дақиқа) қатъий риоя қилиш.

2. Ўқувчининг савол мазмунини тўғри идрок этишига эришиш.
3. Жавоблар ўқувчининг мустақил фикрига асосланганлигига эришиш.
4. Саволларга берилган жавобларни ишлаб чиқиш (100 баллик тизим асосида)
5. Ўқувчиларнинг саволлар мазмунига тўла тушунишига эришиш.

Ўқувчи саволларни диққат билан ўқиб чиқади. У қайси саволлар ўзи ҳақида кетаётганлигига ишонч ҳосил қилса, шу саволни белгилаб чиқади, қолган саволларга ҳеч қандай белги қўймайди. Ўқувчи саволларга шошилмасдан, очиқ-ойдин ва тўғри жавоб бериши лозим. Белгиланган саволларнинг кам ёки кўплиги муҳим эмас. Ўқувчида “Қанча кўп саволларни белгиласам ўқитувчининг мен ҳақимдаги фикри шунчалик яхши бўлади” , деган фикр туғилмаслиги керак.

2-§. Ўқувчилар ижодкорлигининг ўзига хос хусусиятлари ва умумий назарий масалалари.

Илмий ижодкорлик жараёнида мантиқий ва интуитив тафаккурнинг аҳамияти. Ижодкорлик жараёнида мантиқ ва интуициянинг ҳар хил аҳамиятга эга бўлишини француз олими А. Пуанкаре кўрсатиб ўтган эди. Хусусан, у «фаннинг ўзида интуиция агар бир қанча устунликларга эга бўлганлигини ҳисобга олинмаса, анализ исботнинг яккаю-ягона қонуний курули бўлишга интилиб бораётган бир даврда ҳам у ихтиро қилишда асосий курул бўлиб қолаверади» - деб ёзади.

Ижодкорлик циклининг маълум звенолар ҳақида бошқа олимлар ҳам бир неча бор ўз фикрларини айтдилар. Хусусан, бу ҳақида машҳур физик М.Борн қўйидагиларни ёзади: «... мен фандаги аналитик ҳолда олдиндан айтилган фикрларни кундалик ишларимиздан кескин фарқ қилишини кўрмаяпман, айрим критериялар бўйича кўрсатилган образ тўлиқ ҳисобланиб унга характерли бўлган барча хусусиятларга эгаллигини биз кундалик ҳаётимизда ҳисобга олиб борамиз. Бироқ синтетик жиҳатдан айтиш қисман

маълум бўлган ҳодисанинг реал образи ўзининг ҳақиқийлигидан фарқ қилади деган гипотетик тахминга асосланади. Агар у тажрибада тасдиқланса унинг асосида қонуний ҳисобланган гипотеза ётган бўлсада олдиндан айтиш янги билим беради. Лекин унинг муаффақияти интуицияга жуда боғлиқдир...». М.Борн ўз фикрини икки типдаги ихтирога оид тарихий мисоллар билан: Улардан бири мавжуд назарияни мантикий анализ қилиш билан амалга оширилди бошқаси эса шу кунга қадар алоқасиз бўлган тажрибаларнинг ўзаро боғлиқлиги мавжуд эканлиги ҳақидаги муаммоларни янги назария яратиш билан тушунтиради.

Биринчисига, Адамс во унга алоқасиз ҳолда Леверьеларнинг бошқа планеталар ҳаракатида юз берган бир оз ўзгаришлар асосида айтилган назариясига муофиқ, Галелей томонидан Нептун планетасининг очилиши киради. М.Борннинг айтишича бу ерда назария ривожланмади: «Бу математика санъати во тоқатнинг улкан силжиш шунингдек, натижаларга бўлган ишонч эди. Бироқ уларни эътироф этмаганда ҳам бу ҳол назариянинг дунё қарашилини кенгайтиргани йўқ, бу маълум бўлган Ньютон механикасининг қўлланилишини аналитик жихатдан олдиндан айтиш эди»

Икки тип ихтиёрига А. Эйнштейн томонидан айтилган қуёш яқинида ёруғликнинг четланиши киради. Бу инерт ва гравитацион массанинг пропорционаллиги ҳақидаги муҳим фактни сезиш ва М.Борннинг таъбирича «Тажриба натижаларининг узун занжирдаги гигант синтез» деб аталган янги назариянинг яратилишини талаб қилади.

Далил ва рақамлардан келиб чиқиб илмий фаразлар қурушга ёки топишга ўтишда шунингдек, назарий хулосалардан амалий синов ишларига ўтишга илмий интуиция хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Интуиция унинг мантиқ билан боғлиқлиги ихтирочилик ғояларининг келиб чиқишида туган ўрнини белгилашдаги муаммолар мураккаб бўлиб унинг ҳозиргача тўла хал қилинмаган дейиш мумкин. «қисқача психологик луғат» да интуиция-«Пайдо бўлиши йўллари ва шартлари англабмаган ҳолда ҳосил бўлувчи билимлар


сифатида юзага келади шунга кўра субъект унга бевосита юзага» келган натижа сифатида эга бўлади» деб таърифланади. Ушбу ва бошқа адабиётларда келтирилган таърифлар интуиция табиатини унинг ҳосил булувчи асосини узида акс эттирмайди ва шу сабабли уни тўлиқ деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча кўра интуиция-бу субъект томонидан ўзига фикран қўйиладиган савол ва муаммоларга англалмаган ҳолатда юзага келувчи жавоблар бўлиб, у тўпланган тажриба ва билимлар асосида амалга ошади.

Техник ижодкорлик фаолиятнинг босқичлари.

Техник ижодкорлигида янги ечимларни ишлаб чиқишдан, то расмийлаштиришгача бўлган даврни амалга оширишда, ундаги жараёнларнинг муҳимлиги, мураккаблиги ва аҳамиятга бўғлиқ ҳолда фикрлаш жараёни турли даврларда амалга ошади. Бу ўринда энг катта қийинчиликлар аниқ, ҳақиқатдан мавжуд буюм ва кўрсаткичлардан абстракт, яратилажак мавҳум моделларга ўтиш ва назарий тажриба синов ишларини бажариш билан бўғлиқ бўлади. Талабалардаги умумпедагогик билим ва кўникмаларни репродуктив, репродуктив-ижодий, иждодий-репродуктив ва иждодий даражаларга бўлиб кўрсатади. Шу асосда техник ижодкорлиги ғояларини амалга оширишнинг фикрлаш фаолияти продуктив ва репродуктив хусусиятлари алмашувига бўғлиқ бўлган 4 та даврини ажратиб олдик (1-шакл). Биринчи даврда фикрлаш қобилияти продуктив хусусиятига эга бўлади, бунда мавжуд муаммони англаш, идрок қилиш, ечимини топишга эҳтиёж сезиш жараёни боради. Изланувчининг билим ва тажрибаси қанчалик кўп бўлса, бу жараён шу қадар кам вақт давом этиб, репродуктив характерга эга бўлган иккинчи давр - муаммо ечимини топишга ўтилади. Бу даврнинг давомийлиги ҳам изланувчи базавий билими, тажрибаси, дунёқараши кенглиги, қидиралаётган ечимнинг изланувчи мутахассислигига бўғлиқ бўлиб унда қаралаётган муаммонинг ечими бўлиб, хизмат қила оладиган ҳолатлар таҳлил қилинади. Учинчи продуктив даврда ҳал қилиниши лозим

бўлган муаммо ва танланган ечим ўзаро бўлинади ва техник ечим концепцияси таклиф қилинади. У ихтирони амалга оширишнинг энг маъсулятли даври бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилиши таклиф этилаётган ғоянинг ижтимоий баҳосини шакллантиришга ҳал қилувчи тасир кўрсатади. Яъни, ечим ижобий натижа берса унинг амалиётга татбиқ қилинишига асос яратилади, ёки аксинча, ечим кутилган натижани бермаса у инкор қилинади. Тўртинчи, репродуктив даврда таклиф этилаётган ечимни асослаш учун ҳисоблаш ва тажриба-синов ишлари бажарилиб, техник ечимни ишлаб чиқишнинг учинчи даврида амалга оширилаётган ишларнинг натижаси назарий ва амалий исботлаб берилади.

1-шакл. Техник ечим ғоясини амалга ошириш давлари.



Ҳар бир босқичнинг натижалиги ўқувчиларда техник фикрлаш, меҳнат кўникма ва малакалари ривожланиши билан узвий боғлиқдир.


Ўқувчиларнинг ижодий жиҳатдан таёргарлик даражалари.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига таёргарлик беш даражасини кўрсатувчи мэёрий илмий жиҳатлар асосланган. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Ўқувчиларнинг буюмни унинг шаклини такомиллаштириш ёки деталларни рационал жойлаштириш мақсадида чизмага, схемага қисман ўзгартириш киритиб, берилган ҳужжатлар бўйича тайёрлай олиши.

2. Ўқувчининг инструкцияланиши охирига етказиб ва берилган техник ҳужжатга ёки алоҳида схемага ўзига ўзгартиришлар киритиб буюмларни ясай олиши.
3. Ўқувчининг буюмни, уни конструкциясини дастлабки оригинал такомиллаштириб ва технологик схемага мустақил ҳолда ўзгартиришлар киритиб тайёрлай олиши.
4. Ўқувчининг оригинал конструкторлик ғоясини мустақил ҳолда технологик жихатдан ишлаб чиқиши ва уни тайёрлашни удалай олиши.
5. Ўқувчи буюмнинг оригинал конструкторлик ёки рационализаторлик ғоясини мустақил ҳолда асослаб ва таърифлаб бера олади, ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва буюм ясашни бажара олади

Фан ва илмий кашфиётлар тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек асосий жараёнинг психологик томонларини аниқлаш ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг техник ижодкорлиги каби хислатларини ривожлантириш услубиятларини ишлаб чиқаришдаги асосий йўналишларни аниқлаш имкониятини беради. **Ижодий муаммоларнинг қўйилиши.** Агар техник ижодий жараёнда фикрий фаолият характери ҳақида тамирланадиган



бўлма, у ҳолда юқорида аниқланган каби, муаммони ҳал қилиш принципини индуктив аниқланиш ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамасдан ушбу қобилият йўқ ҳолда этишмайди. Шунинг учун ўқитувчиларда индуктив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш бўйича мақсадга мувофиқ ишларни бажариш жуда фойдалидир. Техник ижодий қобилиятни

ривожлантиришнинг индуктив ва сермулоҳаза фикрлашга боғлиқлиги ўтган аср бошларида француз психологи Т. Рибо томонидан текширилган эди. Т.Рибо томонидан топилган боғланиш характерида.

Инсонинг болалик чоғи даврининг бошларида ижодий ўйлаш қобилиятидан (ҳар томонлама фикрлаш қобилиятидан) узган ҳолда ривожланиб боради: сўнгра ёки ёшлик чоғида, ёки баловатга етганда критик момент юзага ишлади ва ижодий фикрлаш қобилияти ёки (прогресс) орқага қайтади, ёки ўзгармас сақланади.

Қилинган хулоса ҳозирги замон касб-ҳунар коллежларида ўқув вақтининг тахминан чорак қисминидан рмигача бўлган қисми йўл-йўрик кўрсатишга кетади. қолган чорак қисми эса ташкилий характерга оид бўлган ахборотларни бериш учун кектади.

Ўқув вақтининг фақатгина 5% ўқувчиларнинг мустақиллик қобилиятини ривожлантиришга сарф бўлади. Ниҳоят ўқув вақтининг 1 дан 0.5% қисми мустақил натижа чиқариш учун сарф бўлади. Гапириш билан эшитиш, бировларнинг ўз-ўзини ифодалаш билан бошқаларнинг диққат эътиборини орасида фарқ мавжуд. Илм бериш ижодкорлик учун дастлабки шарт шароитларни яратади.

Шундай ижодкорлик масалаларни ечиш фақат кашфиётга ундамасдан балки ёшларни техникага ўргатиш билан ҳам тафаккури ривожланади.

Махсус масалаларни танлаши техника бўйича таълимни такомиллаштиришга ёшларга билим беришдаасосий восита ҳисобланади. У ёки бу типдаги масалаларни ечиш билан техник тушунчаларни етказиш ривожланиб борди. Техникавий масалаларнинг биринчи ечиш билан, иккинчиси ўқувчини қизиқишини оширади.

Масалан: 1828 йилда француз офицери Дельвия томонидан «Милтиқнинг яратилиши тарихидан» яратилган қурол қўндоғининг порохни жойлаштириб кейин милтиқ оғзиданўт куюб отилар эди. Кўп изланиш

натижасида, кўндоғ томонидан милтиқни олиш мумкинлигини масаласини ечишди.

Техника ижодкорлиги шуни кўрсатдики таҳлил шуни кўрсатдики ижодий фаолиятни турли этапда бўлиши мумкин. Шунга асосан техник ижодкорликнинг вужудга келиши билан услубиятдан фойдаланиш лозим.

Техника ижодкорлигини ташкил қилган этакларини ҳар бири ўзига хос хусусиятларига эга, буларнинг ҳаммаси мактаб ўқувчиларнинг шахсида ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган.

Педагогик-психологик адабиётларда турли этаклар мавжуд. Ҳар қандай техника ижодкорлиги фаолиятида асосий вазифа бажарилади. Асосланган ғоя ва уни тан олиш, техникавий ишлаб чиқилган вазифа ва амалиётда бажарилиши: ишлаб чиқилган объект техник ижодкорлик асосида баҳоланиши.

Бу ҳар бир этакдаги натижа фикран аниқ ва ғоя қабул қилиши: иккинчи ўринда-конструкторлик-технологик жихатдан ишлаб чиқилган ғоя, уни амалда қўллаш ва ишлаб чиқиш мумкинлиги; учинчи ўринда- таҳлил қилиниши, натижани охиргача етказиш ва вазифасини баҳолаш. Бунинг ҳаммаси мактаб ўқувчиларнинг техник ижодкорлигини бажаришга уларнинг кўникма ва малакаларини оширишга ундайди.

Эслатиб ўтилган барча схемаларда деталларига кўра фарқ қилсаларда кўпгина умумийликка эгадирлар.

Кўпгина ижодий масалалар ечишнинг қўйидаги этаплари қайд қилиб ўтилади.

1. Эҳтиёж ёки қийинчиликка қараб.
2. Ушбу эҳтиёж қийинчиликларни таҳлили.
3. Мувофиқ келувчи ахборотларнинг кўздан кечирилиши.
4. Янги ғоя ёки принципнинг юзага келиши.
5. Принципларнинг схемага ёйиш.

6. Тўғри ечилганликни баҳолаш.

3-§. Касб-хунар таълимида ўқитишга ижодий ёндошиш.

Маълумки касбий таълимда амалий машғулотлар муҳим ўрин тутди. Хар-бир амалий машғулот бир-бирига боғлиқ бўлган 3-босқич (дастлабки, жорий, якуний йўл-йўриқлар асосида) ташкил этилади. Қуйида сизнинг этиборингизга “андоза учбурчаги” номли ўқитиш технологиясини ҳавола этамиз. Ушбу технология “Касб таълими” ва “Чизмачилик” курсларини ўрганишда жуда қўл келади. Биз бунда “андоза учбурчаги” деган янги тушунчага таяниб иш юритамиз. “Андоза учбурчаги” асоси узунлигига тенг ёй чизиш муоммаси ўзига хос усулда ҳал этилади. Бу жараёнлар асосан график усулда амалга оширилса-да, лекин аналитик усулда бажариладиган (транспотер ёрдамида тегишли бурчакни чизиш, шу бурчакда бел чизиғи узунлигига тенг ёй чизиш учун керакли радиус ўлчамини ҳисоблаб топиш, топилган радиус бўйича тегишли ёйларни чизиш) ишларнинг пировард натижасига кўра, у ўзининг аниқлиги, соддалиги ва қулайлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса турлича кўринишдаги конссимон клёш юпкаларнинг асос андозалари чизмаларни тайёрлашда андоза учбурчагидан фойдаланиш таълим сифати ва самарадорлигини оширади.

Конссимон клёш юпкаларнинг асос андозаси чизмасини тайёрлаш уч босқични ўз ичига олади:

- андоза учбурчагини чизиш ва уни ҳолатини аниқлаш;
- андоза учбурчагида бел чизиғи радиусини аниқлаш ва узунлик ўлчамларини қўйиш
- тегишли ёй чизиқларни чизиш.

Биринчи босқичда андоза учбурчаги, уни ҳолати ва ундаги бел чизиғи радиуси аниқланади. Бу асосий босқич ҳисобланади. Бунда “ўрта клёш” (ярим қуёш) юпкаларининг андоза учбурчаги алоҳида ўрин тутди. Чунки :

1.Бошқа турдаги клёш юпкаларнинг андоза учбурчаги унинг баландлигини ошириш (кичик клёш юпкалар учун) ёки камайтириш (катта клёш юпкалар учун) орқали осонгина келтириб чиқарилади.

2.“Кичик клёш” юпкаларнинг андоза учбурчаги унинг устки қисмидан, катта клёш юпкаларининг андоза учбурчаги унинг ички қисмидан жой олади. Бу ҳол ўқувчиларнинг тассавур етиш имкоғиятини оширади.

3.“Ўрта клёш” юпкaları учун аниқланган бел чизиғини чизиш учун радиусни ўлчаб, у икки баробар оширилса, “кичик клёш” (ярим қуёш) юпкаларнинг бел чизиғини чизиш учун керакли радиус узунлиги келиб чиқади. Аксинча у икки барабор камайтирилса “катта клёш” (қуёш) юпкалар учун бел чизиғини чизиш радиусининг ўлчами келиб чиқади. Шу сабабли ҳам, амалиётда “ярим қуёш юпкaları” деб номланиб келаётган юпка тури бу технологияда дидактик нуқтаий назардан “ўртаёш юпкалар” деб юритилган ҳар қандай ҳолатда ҳам андоза учбурчагининг баландлиги “кичик ёш юпкaları”нинг андоза учбурчаги баландлигидан ошмайди, асоси эса чизиладиган андозанинг бел қисмининг кенглигининг ярмига тенг бўлади (андозанинг тўлиқ ёйилмаси зарур бўлси, тинг ёнли учбурчак чизмасидан фойдаланиш мумкин).

Иккинчи ва учинчи босқичлар барча турдаги клёш юпкаларнинг асос андозаларни чизишда ҳам айнан бир хилда амалга ошириладиган жараёнлар бўлиб амалдаги технологияларда ҳам худди шундай бажарилади. Анъанавий педагогик технологияда қуйидаги жараёнларнинг бажариш шарти бўлади:

1.Майин ҳолатга тўғри келадиган андозани лойихалаш бурчагини аниқлаш (бундай бучаклар сони чекланган бўлиб, улар асосан етти хил ҳолатда тавсия этилади. Демак, бундай юпкалар тури ҳам йетти хилдан ошмайди).

2.Шу бурчак остида чизиладиган андозанинг бел чизиғини чизиш учун керакли бўлган радиус узунлигини қуйдаги формула билан ҳисоблаб топиш мумкин:


Аммо биз тавсия этган технологиядан бундай ҳисоблаш формуласига ҳам,

унга таълуқли жадвалларга зарурият туғилмайди. Учбурчакнинг муайян 7 хил ҳолати эмас, бошқа ҳолатларини ҳам танлаш имконияти бор.


4-§. Ўқувчилар ижодкорлигининг ривожланиш йўналишлари ва асосий босқичлари.

Масалани ечиш.


1. Қоғоз қанча сувни ютиши мумкин? қоғоз салфетканинг тасвирини тушунтириб бера оласизми?
2. Нима учун ҳўл салфетка вақт ўтиши билан енгил бўлиб қолади?



3. Доимий магнит майдонида метал диск орқали ўзгармас ток ўтказиб, уни айланишга қандай мажбур қилиш мумкин?




4. Перони қоғозданажратмаган ҳолда тўққизта нуқтани тўртта штрих чизиқлар билан чизиб чиқиш керак.



Демак, техника ижодкорлигида изланиш характеридаги масалалар абстракт моделлар асосида тушунтириш керак бўлади. Ёки мавдуж абстракт модема (қонунга, формулага, графикага)ва х.з. муофик ҳақиқий эффект олиш талаб қилинади.

Якордан ташкил топган қайиқни қандай ҳаракатга келтириш мумкин. Уни сувда туришдан фойдаланиб масалани ижодий хал қилинг.



5-§. Ўқувчининг техник ижодкорлик қобилияти.

Касб-хунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этиш юзасидан олиб борилган кузатишлар ўқувчиларнинг техник ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда назарий машғулотлар катта имкониятлар беришни кўрсатди. Чунончи, назарий таълим жараёнида ўқувчи онгида муаммоли вазият ёки илмий изланишга хос вазифа шаклланади. Ўқувчи қўйилган саволга жавоб топиш ва муаммони ҳал қилишга интилади ўқитувчи ёрдамида мақсадга эришади. Ўқувчининг саволлар ва топшириқларни ўзи излаб топишг ечим вариантларини излаши фаолликни кучайтириб мустақил фикрлашни юзага келтиради.

Қуйида электр ўлчов асбоблари мавзуси бўйича ишлаб чиқарилган дарс ишламаси орқали ўқувчиларда техник ижодкорлик бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг интерфаол методларини қўллаш баён қилинади.

1. Дарснинг мақсади :

а) таълимий-ўқувчиларга электр асбоблари тўғрисида умумий тушинчалар бериш;

б) тарбиявий- машғулот давомида ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва шахсий ёндашувларни асослай олиш шунингдек, тенгдошларининг фикрлари билан ўзининг шахсий мулоҳазаларини қиёслаш кўникмаларини шакллантириш;

в) ривожлантирувчи- электр ўлчов асбобларининг тузилиши ва ишлатилиши бўйича берилган маълумотлар орқали уларнинг қўлланиш истиқболларига оид ўқувчилар билимларини ривожлантириш;

г) қизиқтурувчи--- ўқувчиларда электр ўлчов асбобларининг ҳозирги кундаги ўрни ва ахамиятига доир қизиқишларини шакллантириш.

2. Ўқув материаллари:

1.Дарслиklar: А.С.Каримов, М.М.Мирхайдаров, Г.Р. Шоёқубов
Г.Р.Шоёқулов Электротехника ва электроника асослари.- Тошкент
“Ўқитувчи” 1995-йил

А.И. Хонбобоев Н.А. Халилов Умумий эликтротехника ва эликтроника асослари. Тошкент- 2000 йил

2. **Дарс жихозлари:** электр ўлчов асбоблари (магнитоэектирик эликтромагнит, эликтродинамик, эликтростатик ва бошқа ўлчов асбоблари), уларнинг тузулишлари бўйича схема ва плакатлар, мавзу бўйича тарқатма материаллар.

Машғулоти босқичлари	Вақт	Машғулоти мазмуни	Таълим технологияси элементлари		
			Метод	Шакл	Восита
Кириш	5 дақиқа	Ўқувчиларнинг машғулотига тайёргарлигини аниқланади. Машғулоти мавзуси , мақсади ва қутилаётган натижалар баён қилинади.	Маъруза	Жамоа	
	10 дақиқа	Машғулотининг аввалида, яъни “дават” қисмда “синквейн” Усулини қуллаб ўқувчилар фикрини бир жайга жамлаб олиш мумкин. “ток” тушунчасига оид “синквейн” ишлаб чиқилади.	Сингвейн	Жамоа	плакатлар
	30 дақиқа	Машғулоти “англаш” қисмда инсерт усулини қўллаш Мақсадга мувофиқ хисобланади. Ўқувчилар томонидан уларга Берилган тарқатма материаллар кичик гуруҳларда “инсерт” усули бўйича ўқиб чиқилади. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи чиқиб ўқув материалли қай даражада ўзлаштирганини ўз фикри билан баён қилади.	“Инсерт”,	Кичик гуруҳлар	Доска Слайд Кадаскоп макетлар
	15 дақиқа	Машғулоти “фикрлаш” қисмда “венн” диаграммаси стратегиясидан фойдаланиб ўтилган мавзу мустахкамланади.	вин-диаграмма	Кичик Гуруҳлар	Филипчат ва пиндванд
Якуний қисм	20 дақиқа	Дарс якунида ўқувчиларнинг қанчалик ўзлаштириганини билаш ва баҳолаш учун мавзу юзасидан ишлаб чиқилган муоммали саволлар берилади. Фаол иштирок етган гуруҳ рағбатлантирилади.	Муҳокама	Жамоа	Доска бўр

3. Ўқитиш воситалари: Ҳар хил системадаги электр ўлчагич асбобларнинг макетлари, кинофилим ва диафилимлар.

Кутилаётган натижалар:

1. Электр ўлчаш асбоблари ҳақида асосий тушунчаларни билади.
2. Ўлчов асбоблари орқали қайт этилган ўлчаш натижалардаги мутлоқ нисбий ва келтирилган хатоликни аниқлай олади.
3. Ток кучини ўлчашга мос асбобларни танлаб, уларни ишлата олади.
4. Кучланишни ўлчаш учун ишлатиладиган асбобларни танлаб уларни ишлата олади.
5. Электр энергиясини ўлчаш учун ишлатиладиган асбобларни танлаб уларни ишлата олади, бу асбобларга шартли белгиларни танлай билади.
6. Қаршилиқни ўлчаш учун ишлатиладиган асбобларни танлаб, уларни ишлата олади, уларга мос шартли белгиларни танлай билади.
7. Фаза силжишини ўлчаш учун ишлатиладиган асбобларни танлаб уларни ишлата олади.
8. Асосий келтирилган хатоликлар бўйича барча электр ўлчаш асбобларни аниқ синфларга ажрата олади.

Интерфол методлар

“Сингваейн” “Инцерт”, “Венн диаграммаси”, Тест карточкалари .

Машғулотнинг бошланишида, яъни “Даъват” қисмида “Сингваейн” усулини қўллаб ўқувчилар фикрини бир жойга йиғиб олиш мумкин. Бу ўринда “Ток” тушунчасига оид “Сингваейн” тузушини мисол тариқасида кўриб чиқайлик.

- Ток
- Магнетоэлектриклик, электромагнитлик.
- Ўлчаш асбобларида аниқланади.
- Кучланиш, электр қуввати, частота, қаршилиқ.
- Электр

Масалан “Электр токи”- таянч сўзининг маъносига кўра қуйидагича таърифлаш мумкун.

- Ток-(от)
- Магнетоэлектриклик, эликтромагнитлик –(сифат).
- Ўлчаш асбобларида аниқланади. - (Фел).

Машғулотнинг “англаш” қисмда “инцерт” усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.

“v”- белгиси ўқиётганингиз у ҳақида билганингиз ёки билишингизга доир фикрингизга мос келса, яъни ўқиётганингиз сизга таниш бўлса қўйилади.

“-” белгиси агар ўқиётганингиз у ҳақда билганингиз ёки билишингизга доир фикрларингизга зид бўлса:

“к” белгиси агар ўқиётганингиз сиз учун янги ахборот бўлса қўйилади:

“?” белгиси агар ўқиётганингиз сизга тушунарли бўлмаса ёки сиз бу ҳақда батафсил маълумот олишни хоҳласангиз қўйилади.

Матнни ўқиш жараёнида унинг чап томонига ўқувчи ўзи тушунадиган ва биладиган белгилардан бирини қўйиб чиқади. “Insert” усули бўйича белгилар қўйиш матннинг ҳар бир сатр бошини англашни талаб қилади ҳамда матнни тушуниб боришида ўқувчининг ўзини ўзи кузатиб боришини таъминлайди.

Шундан сўнг ҳар бир гуруҳдан бир ўқувчи чиқиб, ўқув материални қай даражада ўзлаштирганини ўз фикри билан баён этади.

Машғулотнинг “фикрлаш” қисмида “Венн диаграммаси” методидан фойдаланиш яхши самара беради.

Дарс якунида ўқувчиларнинг мавзуни қанчалик ўзлаштирганини билиш ва уларни баҳолаш учун мавзу юзасидан ишлаб чиқилган муоммали саволлар беради.

Муоммали саволлар.

1. Бирликларнинг халқаро системаси (СИ) да асосий ва хосила бирликлар тушунчси келтирилган. Асосий бирликлар хосила биорликларида қандай фарқланади.

2. Ўзгарувчан тўқ занжирида электироманит амперметр 10Ани кўрсатди. Агар электироманит амперметир ўрнига магнитоэлектрик амперметир уланса, у холда бу қиймат ўзгарадими? Агар ўзгарса, нимага боғлиқ холда ўзгаради?
3. Нима учун амперметирнинг хусусий қаршилиги кичик қилиб таййрланади?
4. Қувватни ўлчаш учун занжирга электиродинамик ваттетир уланган. Нима учун занжирга улангандан кэйн асбобнинг стрелкаси шкала буйлаб эмас, балки тескари томонга оғади?
5. Курсаткич (стрелка)ли асбоблар (ампэрметирлар, волти метирлар ва хокозолар)нинг аксарятида ўлчанадиган каталик қанча катта бўлса, кўрсаткич бошланғич холатида шунча кўп бўлади. Нима учун омметирларнинг баъзи турларида ўлчанадиган қаршилиқ катта булса, курсаткич (стрелка) шунчалиқ кам оғади.

Хулоса шуки, ўкитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиш ўкувчиларда янги техника ва технологияларга доир билим, куникма ва малакаларини самарали ўзлаштириш, уларда мақсадга интилиш, тиришқоқлик каби хислатларни шакиллантириш имконини беради.

Булар, ўз навбатида, ўкувчилар билимларининг мустахкамланишига, уларда техник ижодкорлик кўникмаларининг шаклланишига асос яратади.

6-§. Билиш жараёнлари ва касбий таълим самарадорлиги.

Касбий таълим самарадорлиги билиш жараёнлари (сезги, идрок, хотира, тафаккур ва бошқалар)нинг хусусиятларига боғлиқ. Бу фикрни касбий педагогика ва касбий психология йўналишларида амалга оширилган кўплаб тадқиқот ишларининг натижалари тасдиқлайди.

Илмий тадқиқотлар натижасида ўқув материални муваффақиятли ўзлаштиришнинг қуйдаги қонуниятлари аниқланган.

1. Материални тўлиқ, аниқ, пухта, кетма-кет равишда ўзлаштиришга йўналтириш тафаккур фаолиятининг маълум шакиллари юзага келтиради. Натижада тўлиқ, аниқ, пухта, кетма-кет эслаб қолиш таъминланади.
2. Ўқув материални ўзлаштиришга ўқувчилар фаолияти мотивлари, уларнинг ўрганилаётган мавзу, предметга қизиқишлари, материалнинг муҳимлигини англаш, шунингдек, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг турғунлиги ката таъсир курсатади
3. Нисбатан йирик ҳажмдаги ўқув материали хотирада яхши сақланмайди.
4. Ўқув материали моҳиятини маълум даражада тушуниш- уни хотирада муваффақиятли сақлаб қолишнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.
5. Агар материал тушунарсиз булса, унинг хотирада сақланмаслиги аниқ. Вахоланки, инсон маскур камчиликни сезмайди ёки материални хотирада сақлаб қолганига ишонади.
6. Агар англашдан олдин тулиқ ва аниқ хотирада сақлаш вужудга келса, унда материал мавзунини яхлит ҳолда тушуниш қийинлашади.
7. Материал мазмунини тушунишга йўналтирилган фаол тафаккур фаолияти унинг бевосита хотирада сақланиб қолишини таъминлайди.
8. Рағбатлантирувчи буғинлар материални хотирада самарали сақланиб қолишига ёрдам беради.
9. Ўқув материалининг хотирада узоқ ва аниқ сақланиб қолишига тафаккур фаолиятининг режа тузиш, маъноли таянч қисимларни ажратиш, материални қайта тузиш (реконструкциялаш), алоҳида элементларни ўзаро таққослаш, бунда рағбатлантирувчи буғинларда фойдаланиш, солиштириш,

умумлаштириш, аниқлаштириш, синифларга ажратиш, тизимлаш, материални тузатилган ҳолда англаш каби усуллари ёрдам беради.

10. Унитиш материални ўрганишдан кейинги дастлабки вақт (биринчи кун, дастлабки соат ёки дақиқалар) да жуда тез кечса-да, кейин бу жараён секилашади.
11. Материални ҳеч бўлмаса озгина тузатилган ҳолда турли фаолият негизида такрорланиши, унинг ўзгармаган ҳолдаги такрорланишидан анча самарали саналади.
12. Вақт бўйича тақсимланган такрорлаш тузатилган такрорланишга нисбатдан самаралироқдир.

Юқорида қайт етилган илмий қарашлар ва ўз тажрибамизга таянган ҳолда айтиш мумкунки, янги ўқув материални тўлиқ идрок этиш учун:

- биринчидан, идрок этишнинг мақсад ва вазифалари аниқлаш, яъни ўқувчилар эътиборини беришлари, хотирада сақлаб қолишлари ва билишлари зарур бўлган тушунчаларни кўрсатиш керак.

- иккинчидан, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва мавжуд билим даражасини инобатга олган ҳолда, уларнинг янги материални идрок этишга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар терминал, формула, чизма ва схемаларнинг моҳиятини тушунишлари, олдинги материал мазмунини билишлари зарур. Акс ҳолда, янги материал мазмунини идрок этиш мумкин эмас.

- учинчидан, янги материал самарали ўзлаштирилиши учун уни бўлимларга бўлиб тушунтириш, муҳим ўринларни аниқ ажратиб кўрсатиш лозим.

- тўртинчидан, ўқувчилар ўқитувчининг нутқини эшитиб, доскада тасвирланган чизма, схема, формулалардан фойдаланиб, масала ва мисолларни устозлари ёрдамида мустақил бажарсалар янги материал мазмунини ўзлаштиришда қийналмайдилар.

- бешинчидан, қайтувчан алоқа мавжуд бўлса, яъни ўқитиш натижалари узвий равишда назорат қилиниб ҳисобга олинса, идрок этиш жараёни такомиллашади;

- олтинчидан, янги мавзу комплекс ҳолда ўрганилса, яъни олдин ўтилган материаллар кейинги мавзулар учун асос бўлса шунингдек, таълим узвийлигини таъминловчи фан ичидаги ва фанлараро алоқаларни назарда тутса, ўқув маиериалининг мазмуни чуқур, тўла идрок этиш мумкин. Қайд этилганидек, хотира билиш жараёнида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг механик хотирасини эмас, балки мантиқий хотирасини ривожлантириши керак. Бинобарин, мантиқий хотира ўрганилаётган материалнинг мазмунини эслаб қолиш, материални таҳлил қилиш ва англашга хизмат қилади.

Шуни таъкитлаб ўтиш керакки, ўқувчи янги материал мазмунини олдинги материални мазмунини таҳлил қилиш, унга ва маълум даражада ўзининг хайотий тажрибасига тайаниш асосида англайди. Демак, назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида кундалик хайотий мисоллардан фойдаланиш фойдалидир. Негаки, бунда ўқувчи ўтилган материални ўз сузи билан ифода этади, формулалар моҳиятини чизма ҳамда схемалар йордамида очиб беради. Шундай қилиб, мантиқий хотирани самарали ривожлантиришда машиқлар, кургазмали қуроллар, техник воситалар, ўқув қўлланмалари мустақил иш ва бошқалар муҳим ўрин эгаллайди .

Тажрибамиз шуни кўрсатадики, кўпинча ўқувчилар масалалар мазмунини, улурдаги ички алоқаларни тушунмайдилар ва шунинг натижасида масалани мантиқий кетма-кетликнинг таъминланишга эътибор бермайдилар. Бу тасаввурнинг нотўғри ривожланганлиги натижаси. Шунинг учун ўқувчиларни масалалардаги жарайон ва ходисаларни образли тасаввур қилишга ўргатиш муҳумдир. Бундан ташқари, ўқув машғулотлари жарайонида ўқувчиларнинг ижодий тасавурини ривожлантириш, уларни изланишга, фаразларини илгари суришга, ихтирочиларни фан ва техниканинг ривожига борасидаги саволарга жавоб излашга ундаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек ўқувчиларнинг техник тафаккурини равожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Адабийотларда “тафаккур” тушунчасига куплаб таърифлар берилган бўлиб, улар бир-биридан нафақат фарқланади, балки айрим ҳолларда бир-бирини инкор ҳам этади. Масалан, психологик луғатда “тафаккур” тушунчасига шундай таъриф берилади: “реал, объектив предметга ҳос қарама-қайчиликларни ҳал этишда билимларнинг мақсадга мувофиқ қўлланиши, равожланиши ва кенгайиши учун зарур бўлган фикр”.

Р.С. Немов эса, ушбу тушунчани қуйдагича шарҳлайди: “Қайта ишлаш, билиш ҳаракатлари ва операцияларини ўз ичига оладиган ақлий ва амалий фаолиятнинг муҳим тури”.

Тафаккур операциялари ўта мураккаб, шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларни таҳлил қилиш, солиштириш, таққослаш, умумлаштириш, тушуниш, топиш, ечиш, исботлаш, фикир юритиш, далилларни топишга ўргатиши лозим.

Таъкидлаш ўринлики, ўқитиш натижалари ўқув материалининг хусусиятларига боғлиқ. Булар эса қуйдагилар:

- Ўқув материалининг мураккаблиги;
- Ўқув материалининг аҳамиятлиги;
- Ўқув материалининг англашганлиги;
- Ўқув материалининг эмоционал хусусиятларидир.

Ўқув материални ўзлаштириш мураккаблиги ўқувчидаги тажриба, билим ва қуникмалар билан боғлиқ бўлиб, улар ҳажми, қуламига қура қанча кам ва тор бўлса, янги мавзунини ўзлаштириш шунча қийин кечади.

Бундан ташқари, ўқув материалининг ўқувчи учун муҳим бўлмаслиги, унинг қизиқиш ва истакларига мос келмаслиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўқув материалининг англашганлиги ўқувчида унинг элементлари, улар ўртасидаги алоқадорликни тушуниш учун зарур тушунча ва ҳаракатларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Ижодий ўйинлар.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муамоларни вазиятларни ўзаро ҳамкорликда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ижодий қўллаш ва изланиш орқали ҳал этишга замин ҳозирлайдиган дидактик ўйинлар ижодий ўйинлар деб аталади.

Ижодий ўйинли машғулотлардан “Касб педагогикаси” фанини ўқитишда ва “Касб таълими муассасасини бошқариш” мавзусини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Бунда талабалар тенг сонли гуруҳларга ажратилиб, уларга шартли равишда “бошқарма бошлиғи”, “академик литцей директори” деб ном берилади. Бу ерда мутахассисларнинг ҳар қайси гуруҳи ижодий изланиб, келгусидаги ишларни режалаштиришга ўрганади. Ўқувчи томонидан тафсия этилган топшириқларни бажариб, далил ва исботлар асосида ўз жавобларини билдиради.

Ижодий ўйинлар машғулотларида гуруҳдаги барча тахсил оловчилар ҳамкорликда ишлайди, авалги машғулотларда ўзлаштирилган билимларни янги вазиятларда қўлайди. Бу эса уларда ўз билим ва иқтидорига нисбатдан ишоч хиссини ўйғотади.

Қўйида “Касбий таълим муассасасини бошқариш” мавзусидаги ижодий ўйинли машғулотнинг қисқа сценариси келтиримиз.

Мавзу: “Касб таълим муассасасини бошқариш”

Машғулотнинг бориши:

1. Ташкилий қисим.
2. Тахсил оловчиларни машғулотнинг мавзуси, мақсад ва бориши билан таништириш.
3. янги мавзунини ўрганиш.

Янги мавзунини ўрганишдан олдин гуруҳдаги тахсил оловчилар тенг сонли 3 та гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳ аъзолари “Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази бошлиғи” мақомини олиб, келгусида ўрта махсус, касб-хунар таълим фаолиятини режалаштиришни ўрганадилар.

Шу бўйича маъруза тайёрлайдилар ва қуйдаги жадвални тўлдирадилар:

Иккинчи гуруҳ “Саноат ва транспорт хўжалик касб-хунар коллежининг раҳбари” мақомига эга бўлиб, коллеж фаолиятини келгусида ривожлантириш мақсадида режага киритилган ишларни умумлаштириб, маъруза тайёрлайдилар ва қуйдаги жадвални тўлдирадилар:

№	Термиз шаҳрининг географик ва демографик шарт-шароитларни ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ЎМКХТ муассасаларини ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
...			

№	Иқтисодиёт йўналиши бўйича касб-хунар коллежининг истиқбол иш режасини ишлаб чиқиш	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			
7.			
...			

Учунчи гуруҳ аъзолари “Иқтисодиёт академик лицей директори мақомига эга бўлиб, академик лицей фаолиятини келгусида режалаштиришни ўрганадилар ҳамда маъруза тайёрладилар ва қуйдаги жадвални тўлдирадилар:

№	Иқтисодиёт йўналиши бўйича академик лицейнинг истиқбол иш режасини ишлаб чиқиш	Таълим муассасасини бошқариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
...			

“Раҳбарлар” келгусида бажариши мумкин бўлган ишларни режалаштирганларида сўнг кўргазмали қуроллар асосида маърузаларини баён қиладилар. Гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, баҳс ва мунозара ўтказилади.

4. Таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва рейтинг тизими асосида баҳолаш.

5. Машғулоти яқунлаш.

6. Уйга вазифа бериш.

Технологик босқичлар	Ўқитувчининг фаолияти	Таҳсил олувчининг фаолияти
1 босқич. Ташкилий қисм (5-дақиқа)	Таҳсил олувчиларни машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Машғулотнинг мавзуси, мақсади, бориши ва бажариладиган топшириқларни билиб олади.
2 босқич. Таҳсил олувчиларнинг билиш фаолиятини ташқил этиш. (5-дақиқа)	Ўқув топшириқларини дидактик мақсади билан талабаларни таништиради	Ўқув топшириқларни дидактик мақсади юзасидан курсатмаларни билиб олади.
3 босқич. Янги мавзунини ўрганиш	Таҳсил олувчилардан	Ўқув фаолиятини ташқил этади “Раҳбарлар” гуруҳи берилган

(60-дақиқа)	“Рахбарлар” Гуруҳларини ва уларнинг мустақил ишлаш жараёнини ташкил этади. Ўқув дастуридан урин олган топшириқларни мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди. ”Рахбарлар” учрашуви гуруҳини ташкил этади. Ҳар бир ўқув материали юзасидан тайёрлаган маърузаларини тинглайди.	топшириқларни бажаради. “Рахбарлар” учрашуви гуруҳида иштирок этади ҳар бир гуруҳ ўқув материали юзасидан маърузалар тайёрлайди.
4 босқич. Эришилган натижани таҳлил қилиш ва яқунлаш (10-дақиқа)	Тахсил оловчилар фаолиятини таҳлил қилади, уларга мустақил ва ижодий иш топшириқларни беради.	Ўз ўқув фаолиятини ва эришилган натижасини таҳлил қилади ва баҳолайди. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини олади.

Шундай қилиб, дидактик ўйинли машғулотлар орқали ўқувчи-талабалар янги касблар билан танишадилар, эгаллаган билимларни иқтисодиётнинг қайси соҳаларида қўллаш мумкинлигини кўрсатадилар.

Хулоса ва таклифлар.

Ҳозирда ўқитувчиларнинг юқори касбий тайёргарликка, педагогик маҳоратга, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга, мафкура борасида чуқур билимларга эга бўлиши, таълим-тарбия ишларида замонавий педагогик технологиялар, усуллардан самарали фойдаланиши давр талаби ҳисобланади.

Ушбу курс ишида келтирилган ўқитишнинг янги педагогик технологиялари асосида ўқувчиларнинг касбга ижодий ёндошуви изланишлар олиб бораётган мутахассисларнинг билимларини оширишга йўналтирилган. Бу маълумотлар билан танишиш натижасида замонавий педагогик технологиялар узлуксиз ривожланиб, ўзгариб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир педагог ходим бу соҳадаги ўз назарий билимларини ҳамда касбий педагогик маҳоратини мунтазам ошириб бориши зарур ҳисобланади.

Бунинг учун педагогик технологияларга доир назарий масалалар бўйича мавжуд адабиётлар, тавсиялар, ўз фанини ўқитишнинг илғор интерфаол технологиялари, таълим-тарбия сифати на самарадорлигини ошириш бўйича сўнгги маълумотлар билан танишиб бориш лозим.

Шу билан бирга, ўз касбий педагогик маҳоратини ошириб бориш, бунинг учун замонавий педагогик технологияларнинг педагогик, психологик ва бошқа жиҳатларини пухта ўрганишга ҳаракат қилиш, ўзи ишлаб турган мактаб, касб-ҳунар коллежи муҳити ва истиқболларига энг мувофиқ бўлган педагогик технологияларни тўғри танлай олиш зарур.

Энг асосийси эса барча ўрганганларини ўқувчилар билан дарсларда ҳамда бошқа таълим-тарбиявий жараёнларда юксак маҳорат билан қўллай олиш зарурлиги ҳозирги кун талабидир.

Бундан барча таълим муассасалари ва педагог ходимлар шу вақтгача қўллаб, юқори самараларга эришиб келаётган ўзларига хос таълим-тарбия методлари, шаклларида воз кечишлари ва фақат қайсидир педагогик технология турини қўллашга ўтишлари керак

экан, деган хулосага келмасликлари лозим.

Амалиётдаги оддий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики яъни билимларни бериш назарий дарсини дастлабки 20 дақиқасида амалга ошириш кейин эса бахс мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа каби ноанъанавий методларни амалга ошириб ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш керак. Ҳар қандай қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида масалан, фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак, чунки ўрганишнинг даслабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди. Бу ҳамма таклифлар ўқувчилар диққатини узоқроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади. Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналларидан фойдаланилса эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат маърузалар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25% ни эса сақлаш мумкин. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш) намойиш ва кўргазмали қилиш, (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида бахслашса унда 3 кундан сўнг 75% ни эса тушириши мумкин. Агар билимларни идрок қилишда бир неча синсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса маълумотларнинг қисқа хотирадан узоқ хотирага ўтиш жараёни тезлашади. Бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Ўқув вазиятини тайёрлашда ноанъанавий методлар ва аудио-визуал воситаларини самарали ишлатиш лозим. Бунда бирданига кўпгина сенсорик каналлар жалб этилади.

2. Ўқув материали тўғрисида бахслашишга доим имкон беради. Ўқув суҳбатлар гуруҳий бахс мунозаралар тавсия этилади, чунки бу методлар ўқувчини фаолликка чақиради. Ўқитиш методларини танлашда унинг самарадорлигини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш методларининг таъсир даражаси.

- 1.Маъруза-эшиттирганимизнинг 5 %
- 2.Ўқиш ўқиганимизнинг 10%
- 3.Видеоусул намоиш-кўрганимизнинг 20%
- 4.Тажрибани намоиш қилиш, кўрган ва эшитганимизнинг 30%
- 5.Бахс мунозара муҳокама қилганимизнинг 40%
- 6.машқлар-ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг 50%
- 7.Ишбоп ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш, мустақил ўқиганимизнинг таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намоиш қилганимизнинг 75%
- 8.Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш-мустақил ўргатганимизнинг таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг бошқаларни ўқитган нарсаларимизнинг 90%

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъанавий методлар қўлланилганда ўқувчиларнинг ахборотини эслаб қолиш хусусиятини энг юқори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса ўқувчиларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада кўтарилса боради.

Бажарилган курс ишимизда келтирилган ўқитишнинг янги педагогик технологиялари асосида ўқувчиларнинг касбга ижодий ёндошувини амалда бўйича қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Замонавий педагогик инновацион технологияларни оқилона амалда қўллаш талабаларга мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда ҳаётда учрайдиган турли хил вазиятлардан оқилона чиқа олиш, муаммоларни еча олишга ёрдам беради;

2. Замонавий педагогик инновацион технологияларни амалда қўллаш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўрганиш, ўзлаштириш бўйича қийин меҳнатига раҳбарлик қилиш, уларга қулай, осон, мақсадга тез етказадиган ва самарали йўл-йўриқлар, усулларни тўғри танлаб кўрсатиш ва амалда самарали қўллаш орқали ўз педагогик

маҳоратини ҳамда ўқувчиларнинг билимлари сифати ва тарбияланганлик даражасини мунтазам ошириб боришга эришиш имкониятини беради;

3. Педагог ходимларнинг ўз назарий билимларини ҳамда касбий педагогик маҳоратини мунтазам ошириб бориши имкониятлари яратилади.

4. Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини тامينлаш учун шарт-шароитларни яратиб беради.

Хулоса қилиб айтганимизда, курс иши натижаларидан касб-хунар коллежларининг касб таълими ўқитувчилари ва усталари ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари, 5140900- Касб таълими: кимёвий технология таълими йўналишида таҳсил олаётган талабалар, шунингдек шу йўналишда илмий тадқиқот олиб бораётган ходимлар амалда фойдаланишлари мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008.
2. Каримов И.А. БарКамолиддин авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1997.
3. Азизхўжаева Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: 2003.
4. Ахлидинов Р. Мактабни бошқариш санъати. Т. «Фан», 2006.
5. Ишмухаммедов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: Истеъдод, 2008.- 180 б.
6. Ишмухаммедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йуллари. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
7. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 2004.
8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., Шарқ. 1997.
9. Мирсаидов К. «Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими». Т.: «Ўқитувчи», 1996.
10. Олий таълим. Меъёрий хужжатлар туплами: Ғуломов С.С. таҳрири остида; Тузувчилар: Аюпов Ш.А, Рахимов Б.Х. ва бошқ.Т: «Шарқ», 2003.- 752б.

Интернет материаллари:

[www. Google. uz.](http://www.Google.uz)

[www. Ilm. uz.](http://www. Ilm. uz)

[www. Ziyonet.uz.](http://www. Ziyonet.uz)